

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 26 январь, шанба • №7 (11.395)

Эркин нарҳда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРЗДА Қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида

Давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун шартшароит яратиш мақсадида:

1. Иш стажининг тўлиқ умумтаълим мактабларида, пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқишдаги мавжуд чеклашлар 2002 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.
2. Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича оналарга бериладиган ойлик нафақалар миқдори 2002 йилнинг 1 февралдан бошлаб энг кам иш ҳақининг 170 фоизи, 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб эса 200 фоизи миқдоридан белгилансин.
3. 16 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оилалар тоифаси кенгайтирилиб,

умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касбхунар коллежларида ўқийдиган 18 ёшгача болалари бўлган муҳтож оилалар ҳам шу тоифага қўшимча равишда киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1383-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddат ичида ушбу Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 25 январь.

27 УМУМХАЛҚ референдуми куни



Олий Мажлисининг сўнги сессияси ўз ишини якунлаган кунлар эди. Чирчиқ шаҳрига ижодий сафардан қайтиб келаётгандик. Автобусда одамлар гангур-гунгур суҳбатлашиб келишарди. Ён ўриндиқда ўтирган икки йўловчининг суҳбати эътиборимизни тортди.

— Кечаги телекўрсатувни қониқиб кўрдим, — деди кексагина рус аёли. — Билсангиз, Ўзбекистон фуқаровий, ҳуқуқий жамият сари шахдам қадам қўяпти. Бугун институтда лекцияمنى шу фикрдан бошлайман.

— Менга маъқул бўлгани, — деди нариги томонда ўтирган ўртайшар эркак, — масалани ҳал этиш шакли. Халқ билан маслаҳатлашиб, рефе-

ИСТИҚБОЛИМИЗ ЎЗ ҚўЛИМИЗДА

рендум воситасида унинг фикрини, хоҳиш-иродасини ўрганиб, шу асосда қарор қабул қилинади.

Уларнинг суҳбати сабаб, биз йўл-йўлакай бўлажак референдум ҳақида, унинг мазмун-моҳияти хусусида ўйлаб келдик. Олий Мажлис Ўзбекистонда мустақил давлатчиликни такомилга етказиш борасида ғоят муҳим қарор қабул қилди. Референдум бирйўла бир-бирига дахлдор икки масалада эл-юрт фикрини ойдинлаштириб, йўналишни аниқлаб беради. Биз ҳам мамлакатимиз парламенти келажақда икки палатали бўлишини, ҳам Президентнинг конституциявий ваколати мuddатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш масаласини ҳал қилиб оламиз.

Бу ҳар икки масала ўзаро боғлиқ, бири бирини тақозо этади. Зеро, қонунчилик устувор давлат учун барқарорлик, фуқаролараро ва миллатлараро баҳамжихатлик ниҳоятда зарур. Жамият ва давлат ҳаётидаги бундай муҳим масалаларни референдум йўли билан ҳал қилиш эса, мамлакатимизнинг асосий қонуни — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган. Эртага барчамиз референдум участкаларига чиқамиз. Бу — ҳар биримизга алоҳида масъулият юклайди. Биз мамлакатимиз ҳуқуқий-фуқаролик жамияти сари қандай илгарिलाётганлигини, давлат бошқарувини қонунлар асосида мукаммаллаштириш йўлида нималар қилинаётганлигини бир-бир кўз ўнгимиздан ўтказамиз.

Мустақиллик йилларида бу йўлда қилинган ишлар бисёр. Бизнинг бугунги ҳаёт андозаларимизни белгилаб берган қонунлар, бошқа қонунчилик ҳужжатлари — шу йиллар ҳосиласи.

(Давоми 4-бетда).

Референдумга бағишланган материалларни газетанинг 4-5-саҳифаларида ўқийсиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРЗДА Қўллаб- қувватлашнинг 2002-2003 ЙИЛЛАРГА Мўлжалланган ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Олий Мажлисининг 2001 йил 6 декабрдаги 306-II-сон қарорида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги ПФ-3017-сон Фармонида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга мансуб бошланғич синфларнинг ўқувчилари билан бир қаторда, шунингдек юқори синфларнинг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилари ҳам бепул қишқи кийим-бош тўплами билан таъминланади.

2. Умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқув-

чиларини кутубхона фондидан дарсликлар тўплами билан ҳар йили бепул таъминлаш жорий этилсин, бунда 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларнинг камида 75 фоизини, 2003 йил 1 сентябрдан бошлаб эса — кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларнинг 100 фоизини дарслик-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

АЁЛЛАР ВА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД СОғЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР Қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, аёллар мавқеини ошириш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Оила институти мустаҳкамланмоқда, чақалоқлар ўлими камаймоқда, туғруқ ёшининг таркиби яхшиланмоқда, аҳолининг узоқ умр кўриши даражаси ўсмоқда.

Шу билан бирга, республика минтақалари бўйича аҳолининг репродуктив саломатлиги кўрсаткичларининг таҳлили кўрилаётган чора-тадбирлар ҳали етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари, Бандихон, Бахмал, Чирочқи, Қўшработ туманлари ва бошқа туманлар аҳолисининг репродуктив соғлиғи кўрсаткичлари республика ўртача кўрсаткичларидан кўпроқ орқада қолмоқда.

Оилаларнинг тиббий маданияти даражасини янада ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Соғлом авлод, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича доимий ишловчи Ҳукумат комиссияси ташкил этилсин.

Комиссияга қуйидаги функциялар юклансин:

минтақалар ва ҳудудлар бўйича демографик вазиятни, репродуктив саломатликни яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ўрганиб чиқиш ва таҳлил этиш.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Қ А Р О Р И

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРЗДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ 2002- 2003 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

лар билан таъминлаш назарда тутилсин.

3. Етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган тўлиқ давлат таъминотидаги болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш:

улар барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиқаётганда ва ишга жойлашадиганда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар миқдорини 2002 йилда – энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 80 бараваригача, 2003 йилда – 100 бараваригача, шунингдек пул нафақасини 2002 йилда – энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваригача ва 2003 йилда – 5 бараваригача миқдорда ошириш;

ўқув муассасаси яшаш жойидан узоқ масофада жойлашган ҳолларда бюджет маблағлари ҳисобига имтиёзли транспортда юриш қарточкалари билан таъминлаш йўли билан қучайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш қарточкалари билан таъминлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Белгилансинки, чақалоқни ўз тарбиясига (патронат) олган тутинган ота-оналарга олинган ҳар бир чақалоқ учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдоридан ҳар ойлик нафақа берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан бир йўла таъминлашнинг болаларнинг ёшига қараб кийим-бош ва пойабзал бериш нормаси ва рўйхатини белгилайдиган тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки: тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш ҳамда болаларни кийим-бош ва пойабзал билан бир йўла таъминлаш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан, маҳаллий ҳокимият органларининг тегишли қарорлари асосида, маҳаллий бюджетларнинг заҳира маблағларидан маблағ билан таъминланади;

маблағ билан таъминланадиган харажатлар миқдори Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китоблар асосида, тегишли молия органлари билан келишган ҳолда белгиланади;

тўлов Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари халқ таълими бошқармалари орқали амалга оширилади.

5. Қишлоқ жойларда ишлайдиган ўқитувчиларнинг ахборот билан таъминланганлигини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги 2002 йил 1 январдан бошлаб (қишлоқ жойлардаги) умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг кутубхона фонди ўнtagача турдаги газета ва жур-

налларга, асосан республика оммавий ахборот воситаларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига мажбурий обуна қилинишини таъминласинлар.

6. "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича ойлик нафақа тайинлаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин, бунда оиланинг мазкур нафақага болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича ойлик нафақа тайинлаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин, бунда оиланинг мазкур нафақани тайинлашда ижтимоий адолат, очик-ойдинлик ва ошкоралик принципларига риоя қилиниши таъминлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, "Маҳалла" жамғармаси, Халқ банки билан биргаликда оналарга болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни, унда оилаларнинг мазкур нафақага муҳтожлигини ҳисобга олган ҳолда бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

иш стажи бўйича чеклашнинг олиб ташланиши муносабати билан қайта кўриб чиқилиши керак бўлган пенсиялар миқдорини икки ҳафта муддатда қайта ҳисоб-китоб қилиб чиқсин;

Молия вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда оилавий тадбиркорликни маблағ билан таъминлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда уларга тижорат банклари орқали, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа молиявий барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлари кафилиги остида гаровсиз асосда микрокредитлар берилишини назарда тутсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ҳамда "Маҳалла" жамғармасининг минтақавий бўлимлари билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига уларга аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш, оилаларга нафақалар белгилашда ижтимоий адолатни таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишда ҳар томонлама амалий ва методик ёрдам кўрсатишни ташкил этсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. С. Азимов ва Ҳ. С. Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 январь.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Қ А Р О Р И

АЁЛЛАР ВА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД СОҒЛИҒИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

ушбу жараёнларнинг ижобий ривожланишига тўқсизлик қилаётган муаммоларни ҳал этиш;

репродуктив саломатликни, ёшлар ва оилаларнинг тиббий маданиятини, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялашни яхшилаш бўйича устувор йўналишлар ва чора-тадбирларнинг мақсадли йўналишини ишлаб чиқиш;

аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оилани мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга оширишда барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча даражалардаги ҳокимликлар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳар бир қишлоқ туманида ва шаҳарларда соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишни кучайтириш, оилаларни мустаҳкамлаш бўйича ҳар йилги комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва бажарилишининг мониторинги олиб борилишини назорат қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хотин-қизлар кўмиталари, маҳаллий телевидение, радио, бошқа оммавий ахборот воситаларига улар томонидан аҳоли билан, айниқса аёллар, никоҳга кирувчи ёшлар билан соғлом оилани шакллантириш муаммолари, бош вазифа: соғлом она – соғлом бола принципини амалга оширишда кўмаклашиш; аёлларнинг исталмаган ҳомиладорлигининг олдини олиш ва профилактикаси воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш, бу юртмалар ва таклифларни экспертизадан ўтказиш ҳамда мақсадли маблағ билан таъминлаш ва аҳолини тиббиёт муассасалари орқали ушбу воситалар билан барқарор таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда соғлом авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича минтақавий комиссиялар тузсинлар ҳамда ҳокимларнинг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўринбосарлари бошчилигида уларнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат спорт кўмитаси, Давлат матбуот кўмитаси, "Ўзтелеадио" компанияси ва бошқа тузилмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда оилани тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Республика комиссиясига тақдим этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

айниқса қишлоқ жойлардаги тиббиёт муассасалари, тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари ходимларининг қизларга, аёлларга ва ёш оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш масалаларида аёлларга тиббий маслаҳатлар бериш бўйича ишларини кучайтирсин;

Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ташқи иқтисодий

алоқалар вазирлиги, хайрия жамғармалари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотлар билан биргаликда республикага аёлларнинг репродуктив соғлигини яхшилаш бўйича аҳолини зарур замонавий тиббиёт препаратлари ва воситалари билан таъминлаш юзасидан мурувват ва ҳомийлик ёрдамларини жалб этиш ишларини фаоллаштирсин;

ушбу воситалар ва уларни қўллаш бўйича маслаҳат хизматлари комплекси тегишли тиббиёт муассасалари орқали бепул асосда берилишини ҳамда амалдаги тартибга мувофиқ тургун даволаш-профилактика муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлари берилиши, ҳисобга олиниши ҳамда улардан фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этсин;

айниқса туғилиш, оналар ва чақалоқлар ўлими даражаси юқори бўлган туманларда акушер-гинеколог кадрлар таркибини мустаҳкамласин, уларни зарур тиббий асбоб-анжомлар, замонавий препаратлар ва воситалар билан таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда акушер-гинеколог врачлар малакасини, шу жумладан республиканинг етакчи клиникаларида ва чет элларда тажриба орттириш асосида узлуксиз ошириш, тиббиёт ходимларининг ахборот манбаларидан, шу жумладан "Интернет"дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришнинг махсус дастурини қабул қилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, аёлларнинг репродуктив соғлигини яхшилаш учун воситалар ва препаратлар Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш муассасаларини маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган ҳар йилги маблағлар доирасида ушбу мақсадларга махсус ажратилган маблағлар, шунингдек ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотлар грантлари ҳисобига сотиб олинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан даволаш, профилактика ва консултация муассасалари ўртасида тақсимланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қизларнинг балоғатга тўлмаган ёшда никоҳдан ўтишини истисно этувчи зарур таклифлар киритсинлар, кейинчалик таклифлар Олий Мажлисга киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 10-11-синфлари ўқувчиларининг ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг 2-3 йиллари ўқув дастурларига соғлом оила ва никоҳ, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича мухтаassis тиббий ходимлар томонидан ўтказиладиган махсус факультатив дарслар киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси, "Ўзтелеадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтирилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 январь.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят ҳокимлигида

ГЕРМАНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар, олиб борилаётган демократик жараёнлар дунёдаги кўплаб хорижий мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шунинг учун ҳам бир қатор давлатларнинг сиёсат арбоблари, олимлари ва ишбилармон доиралари республикамиздаги ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриш ва чуқурроқ танишиш мақсадида ташриф буюрмоқдалар. Сўнгги пайтда уларда нафақат

юқори поғоналарда, балки, куйи бошқарув органларида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш истаги ҳам туғилмоқда.

Шу йилнинг 25 январь куни мамлакатимизга келган Германиянинг Бавария ландаги вице-президенти Росвита Риес, мамлакат Бундестаги аъзоси,

«Германия - Марказий Осиё» депутатлар гуруҳининг аъзоси Эрика Шухард, Саксония ландаги вице-президенти Бригитте Цшоке ҳамда Шлезвиг-Хольштейн ландаги вице-президенти Габриэле Котшау хонимлардан иборат бир гуруҳ меҳмонлар халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва вилоят Кенгаши доимий комиссияларининг фаолиятлари билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент вилоятига ташриф буюрдилар. Улар вилоят ҳокимлигида Кенгаш раиси ҳамда до-

имий комиссиялар раҳбарлари билан мулоқотда бўлдилар.

Учрашув чоғида халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг раиси, вилоят ҳокими Умат Мирзакулов Германиялик меҳмонларга вилоятда амалга оширилаётган ишлар, янгилар, ўзгаришлар ва ислохотлар жараёнида вилоят Кенгашининг ўрни, доимий комиссияларнинг фаолиятлари ҳақида маълумот берди. Шунингдек, Тошкент вилоятининг ҳамкорликни ривожлантиришдаги кенг имкониятларига тўхталди.

Сўхбат чоғида Германиялик меҳмонлар вилоят Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари ҳамда Кенгаш депутатлари иши билан кенгроқ танишганликларидан, шунингдек, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олганликларидан мамнун эканликларини баён этдилар. Ўз ўрнида вилоят Кенгаши раиси уларни мамлакатимиз, хусусан, Тошкент вилояти билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга чақирди.

Учрашув самими ва дўстона вазиятда ўтди.

СУРАТДА: учрашув пайти.
Даврон АҲМАД
олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси референдуми арафасида

Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарликнинг яқунловчи босқичи бошланди. 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдум участкаларига ўз хоҳиш-иродаларини билдириш учун келишади. Референдумга қўйилаётган масалалар ва уни ўтказиш чора-тадбирлари нафақат ватандошларимизда, балки кенг халқаро жамоатчиликда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хорижий ва республикамиз оммавий ахборот воситалари мухбирлари учун матбуот анжумани ва Ўзбекистонга референдумда кузатувчи сифатида келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашув ўтказилди.

Журналистларга овоз беришга тайёргарлик ва референдумга қўйилган масалаларни аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича амалга оширилаётган ташкилий ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Кузатувчилар билан учрашув чоғида таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси референдумига АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Россия, Беларус, Хитой, Италия, Туркия, Исроил, Покистон, Ливан, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Грузия, Озарбойжон каби дунёнинг жами 32 та давлатидан кузатувчилар келмоқда.

Кузатувчилар Референдум тўғрисидаги қонун моддалари, кузатувчиларнинг ҳуқуқлари билан таништирилди. Улар Ўзбекистонга келган дастлабки кунларида референдумга тайёргарлик жараёни ҳақида олган таассуротларини сўзлаб берди, кузатувчилар самарали фаолият олиб бориши учун барча шароит яратилганини таъкидлади.

ЎЗА.

Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодийимиз келажаги

Кичик корхонанинг катта ишлари

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида фаолият кўрсатаётган "Икон-Плюс" кичик корхонаси яқинда иш бошлаган бўлса-да, ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилмоқда.

– Асосан музқаймоқ ишлаб чиқарамиз, – дейди корхона раҳбари Садулла Абдуллаев. – Ўтган йилнинг март ойида иш бошлаганимизга қарамай, маҳсулотларимиз турини 20дан оширдик. Европа тиклини ва тараққиёт банкидан 4 йил муддатга 657 минг АҚШ доллари миқдорига кредит олдик. Шундан сўнг, Чехиянинг "Алта" фирмасидан технология сотиб олинди. Айни пайтгача 674 миллион сўмлик музқаймоқ тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бердик. 118 миллион соф даромад қилдик.

Корхонада шу кунларда яна бир янги цех қуриляпти. Мутасаддиларнинг айтишича, у ишга тушгач, маҳсулот тури яна бтага кўпаяди, 60 киши меҳнат қилаётган жамоада яна 30та иш ўрни пайдо бўлади.

8 кунда тайёр бўлади

Қибрай туман ҳокимлиги қошида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими иш бошлади.

– Бўлимимиз фақат тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш билангина шуғулланмайди, – дейди мазкур бўлим бошлиғи Отабек Мирзатиллаев. – Жисмоний шахсларга зарурий ҳужжатларни 8 кунда, юридик шахсларга эса 12 кунда тайёрлаб бериш билан бирга, тегишли ташкилотлар билан зарурий ҳужжатларни тайёрлаш борасида шартномалар тузамиз. Шу кунгача 400дан ортиқ тадбиркорга ана шундай ҳужжатлар тайёрлаб берилди.

– Бўлимнинг очилиши ишимизни анча энгиллаштирди, – дейди "Санжар-2001" фирмаси раҳбари Б. Расулметова. – Унинг кўмагида фирмамни қисқа вақт ичида ишга тушириб олдим. Янги бўлим турли ташкилотлар билан бўладиган зарурий ҳужжатларни ҳеч қандай оворагарчиликларсиз тайёрлаб бермоқда.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

Икки юз йил давомида мустамлака бўлиб келган Ҳиндистон 1947 йилнинг 15 августида мустақилликни қўлга киритди. 1950 йилнинг 26 январиде эса мамлакат Ҳиндистон конституциявий ассамблеяси томонидан суверен республика сифатида эълон қилинди. Шу кундан бошлаб мазкур сана Республика кун сифатида нишонланадиган бўлди.

Мустақилликнинг илк йилларида қишлоқ хўжалигини ислох этиш, ишлаб чиқариш ва савдон ривожлантириш, мудофаани мустаҳкамлаш, демократик институтларни шакллантириш, халқ фаровонлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро майдондаги мавқеъни юксалтириш мақсадлари асосий вазифага айланди. Аҳоли дини ва тили турли хил кўплаб этник гуруҳлардан иборат бўлишига қарамай, ҳукумат ягона мафкура ва миллий ғоя воситасида одамларни бирлаштира олди.

Демократия ва ижтимоий адолатпарварлик йўлидан бораётган Ҳиндистон жаҳонда ўз мавқеини мустаҳкамлашга эришди. Кўп йиллик сайёҳаракатлар ҳамда иқтисодий ислохотлар натижасида санюати энг кўп ривожланган давлатлар ўнлигидан жой олди. Бугунги кунда мамлакат техника ва юқори технология соҳасида яхши малакага эга бўлган ишчи кучи бўйича

26 январь – Ҳиндистон республикаси кун

ча АҚШ ва Япониядан кейин учинчи ўринда туради.

Сўнгги йилларда Ҳиндистон иқтисод, қишлоқ хўжалиғи, фан ва техника, телекоммуникация, микроэлектроника, авиация, таълим ҳамда мудофаа соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритди. Ўтган йили мамлакат-

чиқариш борасида етакчилик қилаётган давлатлар билан рақобатлаша оладиган даражага чиқиб олди. Ҳинд мутахассислари яратаётган компьютер дастурлари ўзининг сифати билан харидорлар меҳрини қозонмоқда. "General motors", "British Airways", "Sony", "Nokia",

қалари кўп асрлик тарихга эга. Айниқса, Ҳиндистонда Бобурийлар ҳукмронлик қилган даврда икки халқ алоқалари кенг ривожланган. Бобурий шоҳлар даврида ўлкада кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бир неча юз йилликлар ўтганига қарамай, ўша иморатлар жуда яхши сақланган. Агра шаҳрида барпо этилган Тож Маҳал дунёнинг этти мўъжизасидан бири саналади, Деҳлидаги Қизил қалъа ва кўплаб бошқа обидалар ҳам сайёҳлар олдида мағрур савлат тўкиб турибди.

Бугунга келиб Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосига ўрнатилган юксак даражадаги ҳамкорлик алоқалари қарор топган. Икки мамлакат ўртасида кўплаб ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилди. Санюатнинг турли жаҳаларида, жумладан, фармацевтика соҳасида қатор қўшма корхоналар ишга туширилди.

Икки давлат алоқаларидаги яна бир муҳим жабҳа – таълим соҳасидаги ҳамкорликдир. Ҳиндистоннинг техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик дастури (ИТЕС) бўйича ўзбекистонлик талабалар ахборот технологиялари, бизнес ва тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиғи, банк соҳаси ҳамда дипломатия йўналишлари бўйича Ҳиндистон олий ўқув юртиларида таҳсил олмоқда.

Азиз ҒОЙИБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ БОРМОҚДА

да иқтисодий ўсиш 6 фоизни, инфляция даражаси 4 фоизни ташкил этди. Бугунга келиб Ҳиндистоннинг хорижий валюта захираси 40 миллиард АҚШ долларидан ошган. Шунингдек, экспорт салоҳияти ортиб бормоқда. Экспортнинг асосини тўқимачилик, қишлоқ хўжалиғи, турли муҳандислик ва техника ускуналари, заргарлик буюмлари, электроника ва ахборот технологиялари ташкил этади. Бу маҳсулотлар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Белгия, Италия каби давлатларда анча харидоргир.

Ҳиндистон айниқса ахборот технологиясини ривожлантириб катта ютуққа эришди. Ҳозир мамлакат одатий ва ўта кучли компьютер дастурлари ишлаб

"Ford", "Boeing", "Siemens" каби йирик корпорациялар Ҳиндистоннинг бу жабҳада фаолият кўрсатаётган "Infosys Technologies", "Satyam Infoway Ltd." ва "Silverline Industries" каби компанияларининг хизматидан кенг фойдаланади.

Турли соҳаларда эришган ютуқлари туфайли Ҳиндистон ҳозир эски ақида ва аъаналар сақланган давлат сифатида эмас, замонавий соҳаларда дунёда етакчилик қилаётган ва улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат сифатида тан олинмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2008 йилга бориб Ҳиндистоннинг юқори технологиялар савдосидан тушадиган даромади 87 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Ўзбекистон-Ҳиндистон ало-

27 ЯНВАРЬ

УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ИСТИҚБОЛИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Энг муҳими шу ислохотларнинг дастлабки натижаларини аҳолининг барча қатламлари — янгидан шаклланиб келаётган мулкдорлар ҳам, зиёлилар ҳам, оддий фуқарою фузалолар ҳам очиқ-ойдин ҳис қила бошлади. Ҳозирги ўтиш босқичида жамиятнинг барча жабҳаларида ривожланиш бир хил даражада эмаслиги ҳам табиий. Ҳали камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим ма-

салаларни бугун референдум ўтказиш йўли билан ойдинлаштириб олаётганлигимиздан мақсад ҳам шу муаммоларни қонун йўли билан, ижтимоий-сиёсий барқарорлик асосида ҳал қилишдан иборат. Зеро, вакиллик органи — Парламентнинг икки палатали бўлиши бугунги ривожланиш босқичимиз тақозосидир. Эсимизда, 2000 йилнинг бошларидаёқ Олий Мажлис сессиясида бу гоё илгари сурилган эди. Мамлакатимизда вужудга келган ҳуқуқий асослар, илмий-амалий салоҳият шундай гоёнинг кун тартибига қўйили-

ши учун ишончли омил бўлган эди. Утган муддат мобайнида бундай гоё амалийлик касб этди, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, амалиётчилар томонида кенг мулоҳаза қилинди ва, ниҳоят, эртага ҳар биримиз ўз фикримизни рўй-рост ифодалашимиз лозим бўлган босқичга етиб келдик. Икки палатали парламент давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига ижобий, ҳаракатлантирувчи таъсири кучайтиради, қонунчиликни мустаҳкамлайди. Референдумда умумхалқ муҳокамасидан ўтадиган иккинчи

масала ҳам ниҳоятда муҳим: «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?» Бу ўринда биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш учун овоз бераётганлигимизни англаб олишимиз керак. Бугун биз референдумга тайёргарликнинг пировард маррасига чиқдик. Эрта билан овоз бериш қутилари ёнига борамиз. Кўпчилигимиз, табиийки, рефе-

рендум участкаларига илк бора овоз бераётган ўғил-қизларимизни етаклаб чиқамиз. Бу ҳам рамзий, ҳам амалий маънога эга. Чунки, биз яшаб турган азиз диёрнинг эртанги куни — шу фарзандларимиз қўлида. Шундай бўлгач, улар ҳам бугунги ҳиссиётларимизни, туйғуларимизни, қувонч ва изтиробларимизни барвақт англаб, илғаб, идрок этиб борганлари маъқул. Кўришсин, мулоҳаза қилишсин ва қандай яшаш, нималарни орзу қилиш, ўз куч-ғайратларини нималарга сарфлаш ҳусусида ҳозирдан хулоса чиқаришсин. Шунда ҳар биримиз ўзимизни хотиржам сезамиз, мамлакатимизнинг ёрқин келажagini, келгуси авлодларнинг бахт-икбодини аниқ тасаввур этамиз.

АРАФА

Тошкент вилоятида референдумни ўтказувчи округ комиссиясидан репортаж

Шу кунларда Тошкентдаги Мовароуннаҳр кўчасидаги мухташам бу бино вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида каттаю кичикка яхши таниш бўлиб қолди. Сабаби — вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи округ комиссияси шу ерда жойлашган.



— Иш кўп, — дейди округ комиссияси раиси Умар Муслимов. — Референдумни ўтказувчи 825та участкада ҳамма нарса овоз бериш бошланишига тайёр қилиб қўйилди. Комиссиямиз аъзолари, ташаббускор гуруҳ раҳбарлари жойларга чиқиб, бу ишларни кузатиб туришибди, керак жойда дарҳол ёрдам кўрсатишяпти.



Бу ишларга доир ахборотлар билан шу ерда танишиш мумкин. Округ комиссияси аъзолари шаҳар ва туманларда олиб борган ишлар алоҳида-алоҳида жамланган. Умуман, жамоатчилик орасида таникли, билим ва ташкилотчилик салоҳияти юқори мутахассислар округ комиссияси таркибида иш олиб боришгани кўпгина масалаларни жойларнинг ўзида ишчанлик билан малакали ҳал этиш имконини бермоқда. Округ комиссиясида бизни баъзи рақамлар билан таништиришди. Кеча кечки пайтга 1 мил-

лион 246 минг 355 фуқаро овоз берувчилар рўйхатига олинди. Улардан 11 мингга яқини овоз бериш бюллетенларини илк дафъа қўлга олувчи йигит-қизлардир. — Овоз бериш кунига 4085 киши 18 ёшга тўлар экан, — мамнун бўлиб таъкидлайди Умар Ваҳобович. — Мақсад — ҳар ким ўз фуқаролик бурчини бажара олишига кўмаклашиш. Кексалар, беморлар, олис тоғ қишлоқларида яшовчи кишилар ҳам алоҳида эътиборда. Референдум куни алоқанинг аҳамияти катта. Округ комиссия-

си бу жиҳатдан ҳам пухта ишлади. Участка комиссиялари телефон алоқаси, рақиялар билан таъминланди, уяли телефонлар ажратилди. Энг олисдаги 12та референдум участкаси билан эса транспорт воситасида боғланилади. Овоз бериш учун келаётганларга қулайлик туғдириш учун қишлоқларро автобус қатнови алоҳида эътиборга олинди.

Референдум жараёнида ошкоралилик, очиклик ҳам аниқ-на муҳим. Округ комиссияси буни таъминлаш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борди. Сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳларнинг ўз кузатувчиларини юбориш ҳақидаги таклифлари дарҳол, амалий жиҳатдан кўриб чиқилди. Чунончи, бугунги кунда ХДПдан — 17, «Адолат» партиясидан — 21, «Миллий тикланиш» партиясидан — 16, ташаббускор гуруҳлардан 41 кузатувчи мандат берилди. Улар референдум участкаларида овоз бериш жараёнларини эмин-эркин кузатиб туришлари учун ҳамма шароит яратилди.



Эртага референдум участкаларига мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларидан ҳам кўплаб вакиллар бориши, овоз бериш жараёни билан танишиши кутилмоқда.

...Тошкентнинг серкатнов даҳасидаги бу бино бугун ана шундай гавжум. Референдумга ҳозирлик сўнгги, жўшқин паллага кўтарилган. Телефонлар тинимсиз жиринглайди. У ёки бу масалада мурожаат қилувчилар серкатнов. Комиссия аъзолари ҳаммага керакли маслаҳат, йўл-йўриқни бериб туришибди. Бу ишларнинг натижаси эрта билан кўзга ташланади.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири. **СУРАТЛАРДА:** Тошкент вилоятида референдумни ўтказувчи округ комиссияси фаолиятдан лавҳалар. **Аида САИТОВА** олган суратлар.

Илк бор овоз бераман

Мен референдумда илк дафъа қатнашаётирман. Унга тайёргарлик мобайнида бугунги умумхалқ маслаҳатлашувининг мақсад ва вазифалари билан атрофлича танишиб чиқдим. Эндиликда, миллий мустақиллигимизнинг иккинчи ўн йиллигига қадам қўйилган бир вақтда, мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш зарурияти туғилганлигини чуқур англаб етдим. Биз ҳам жаҳон ҳамжамиятидаги давлатлар қаторида кенг қўламли, ҳақиқий ҳуқуқий бошқарувга ўтаётимиз. Шу боис мен эртага барча тенгдошларим қатори референдумга қўйилган масалаларни қўллаб-қувватлаб овоз бераман.

Беҳзод ЮСУПОВ, Тошкент Давлат Юридик институтининг талабаси.

Тараққиётимиз кафолати

Шу кунларда қишлоғимиз билан мана шундай масла-аллақандай нурли, файзли, одамларнинг қечралари тиниқлашгандек кўринмоқда. Аслида ҳам эл-юрт маъракаларида киши ана шундай ёрқин бир шуқуқ сезади. Бунинг боиси — эртага ўтадиган умумхалқ маслаҳатлашуви.

Ҳар биримиз тонг билан ўз эркимизни намоён этиб, хо-ҳиш-иродамизни ифодалаб, мустақил мамлакатимизда давлатчиликни яна ҳам мустаҳкамлаш, тинчлик, миллатларро барқарорликни, ҳуқуқий тартиботни муқим сақлаш учун овоз берамиз.


Яқинда ўқувчиларимдан бири сўраб қолди: «Устоз, референдум нима ўзи?» Мен болаларга давлатчилик тарихида, барча замонларда халқ билан маслаҳатлашиб олиш эҳтиёжи туғилиши мумкинлигини айтиб, қадимий Юнонистонда, бобомиз Амир Темур замонасида ва, ниҳоят, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муҳим масалалари референдум ўтказиш — халқ

билан мана шундай маслаҳатлашиш йўли билан ҳал қилиниши тақозо этилишини гапирдим. Эртага навбатдаги мана шундай маслаҳатлашув ўтади, дедим. Бу референдум халқимизни ҳуқуқий давлатимиз те-варагига яна ҳам жипслаштиришини тушунтирдим. Ўқувчилар менинг сўзларимни мароқланиб тинглашди. Уларнинг чақноқ нигоҳларидан шу азиз Ватаннинг муносиб фарзандлари бўлиб етишиш иштиёқини яққол сездим.

Ҳа, референдум нафақат мустақил давлатчилигимиз, балки ҳар бир фуқаро камолотида муҳим босқич бўлиб қолади.

Мусабек БЎРИБЕКОВ, Зангиота туманидаги мактаб ўқитувчиси, меҳнат фахрийси.

СУРАТЛАРДА: Чанда — участка комиссияси котиби Гавҳар Ғолипова иш устида; юқориди — участка комиссиясининг раиси Рустам Жўраев комиссия аъзоси Тоҳир Нуримов билан. **Владимир ПОРТНОВ** олган суратлар.



27 Январь

УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ЧЕТ ЭЛИК КУЗАТУВЧИЛАР РЕФЕРЕНДУМ ҲАҚИДА

27 январь куни мамлакатимизда ўтадиган референдумга хорижда ҳам қизиқиш катта. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Ўн йилдирки, Ўзбекистон халқаро ҳам-жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ташаббуслари, Ўзбекистон раҳбариятининг оқил ва одил сиёсати, изчиллик билан амалга оширилаётган самарали иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар юртимизга эътиборни янада кучайтирмоқда. Шу боис юртимиздаги улкан сиёсий тадбир — референдумда қирққа яқин мамлакат ва халқаро ташкилотдан вакиллар кузатувчи сифатида қатнашиши кутилмоқда. ЎзА мухбирлари юртимизга ташриф буюрган хорижлик кузатувчилардан айримлари билан суҳбатда бўлди.

Коичи НОДА, Ўзбекистон-Япония дўстлик жамиятининг фахрий президенти:

— Аввало, шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон билан Япония ўртасида доим яши муносабатлар қарор топиб келган. Мамлакатингиз мустақилликка эришгач, алоқаларимиз янада кенгайди. Шу боис барча японияликлар каби мен ҳам диёрингизда кечаётган барча ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Эътиборга лойиқ томони шундаки, юртингизда қандай сиёсий ўзгариш бўлса, у албатта халқ билан бамаслаҳат амалга оширилади. Бу, шубҳасиз, демократик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун жуда муҳимдир.

Яшанба куни бўладиган референдум халқингиз ҳаётидаги улкан сиёсий воқеа бўлиб қолишига аминман. Тайёргарлик ишларига, одамларнинг руҳига қараб, шундай хулосага келдимки, Ўзбекистон халқи бу тадбирда фаол иштирок этади. Бу эса фуқароларнинг мамлакат тақдирига бефарқ эмаслигидан далолатдир.

Анн Мэридит ДАЛТОН, АКШ Жоржтаун университети Хуқуқшунослик маркази директорининг ўринбосари:

— Бир неча кундан буён Ўзбекистонда референдумга тайёргарлик ишлари билан танишиб юрибман. Аввало, мамлакатингизда бундай сиёсий тадбир ўтказилишининг ўзини юқори баҳолаш лозим. Икки палатали парламент фуқаролик жамиятининг мустақкам қарор топиши, қабул қилинаётган қонунларнинг янада мукамал бўлишига катта ёрдам беради. Буни АКШ, Франция, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибасидан билиш мумкин. Тайёргарлик ҳам кўнгилдагидек. Референдум ўтказувчи бир неча участкада бўлдим. Тадбирга ҳамма нарса шай қилиб қўйилганлиги мени жуда қувонтирди.

(ЎзА).

Кеча кечки пайт Музаффархон ота ўтган йиллар хотираларини фарзандлари, набира-ларига сўзлаб берди. Бу суҳбат даврадаги-ларни тўлқинлантириб юборди. Сабаби — гап эртага ўтадиган референдумдан бошланди.

